



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (12.152)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

ХОТИРА — АБАДИЙ, ҚАДР — МУҚАДДАС

Пойтахтимизда «Нуроний» жамғармаси ва «Unitel» мобил алоқа оператори ҳамкорлигида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унга 350 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг раиси Э.Боқибоев, «Unitel» компанияси бош директорининг ўринбосари А.Коланов ва бошқалар мамлакатимизда нуроний отахон ва онахонлар, фахрийларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармон бунинг яна бир ёрқин далилидир. Ушбу ҳужжатга мурофий, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари, байрам совғалари тантанали топширилмоқда.

Маданият ва санъат намоёндалари, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари фахрийларни яқинлашиб келаётган байрам билан табриклади. Тадбирда тинчлик ва мустақил Ватанимиз ҳақида кўшиқлар янгради. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Сардор ТОЖИЕВ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

ДОИМ ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга уруш ва меҳнат фахрийлари, миллий журналистикада ривожига катта ҳисса қўшган ёши улғу ижодкорлар таклиф этилди. Журналистлар ижодий уюшмаси бошқаруви раиси

Ш.Ғуломов, Ўзбекистон «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, бу борада фидокорона хизмат қилган ин-

сонларни эъозлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида ўзбек журналистикасида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Расул Раҳмонов. — Ижодий ва техник ходимлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қўшимча имтиёзлар бериш шулар жумласидандир. Бундай масъулиятли жараёнда кекса ижодкорларни қадрлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш йўлидаги эзгу ишлар ҳам биз, кексаларни гоёт қувонтиради.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида «Асрлар садоси — 2012» фестивали бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдида АСЛ АНЪАНАЛАРНИНГ АСРИЙ САДОСИ

Мамлакатимиз жаҳон цивилизациясининг энг ёрқин саҳифаларидан жой олган қадим маданият бешигидир. Ватанимизнинг бой тарихи, миллий маданияти ҳамisha халқаро жамоатчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали халқимизнинг анъана ва удувлари, амалий санъати ва миллий таомлари, халқ оғзаки ижоди каби йўналишларининг турфа ва хилма-хил эканлигини намоян этади. Айни пайтда мазкур фестиваль бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, бу йўналишда унутилаётган услуб ва мактабларни тиклаш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётди.

Фестиваль ҳар йили мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётгани босиб унинг географияси тобора кенгайиб, мазмунли рағбатлантириш бормоқда. «Асрлар садоси — 2012» анъанавий маданият фестивалининг қадим қорақалпоқ диёрида ўтказилиши ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга.

Қорақалпоқ халқи ўзининг миллий маданиятини, ҳозирги санъати, мумтоз адабиёти, удув ва анъаналарига эга. Унинг бой ўтмиши, халқ оғзаки ижоди, миллий қахрамонлари, мумтоз шоир ва ёзувчилари мероси катта маънавий хазинадир.

«Асрлар садоси — 2012» фестивалида ана шу бой тарих ва маданият яна бир бор намоян бўлди. Қўллаб янги дастурлар, мусиқий чиқишлар, театрлаштирилган томошалар, давра суҳбатлари ва либослар намойишида қорақалпоқ халқининг этнографияси, маданияти ва санъати оид асл хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган уста ва хунармандларнинг ижодига бағишланган амалий санъат кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда кулчилик, кандакорлик, каштачилик, миниатюра, тикувчилик ва ўймакорлик усталари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Истиқлол туғайли мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш сари кенг йўл очилди, — дейди тошкентлик Мирсаид Незматов. — Мен ҳам ушбу имкониятдан фойдаланиб, болаликдаги орауим — ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланман. «Асрлар садоси» фестивалида иштирок этиб, юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги мактаблар анъаналарини ўрганиш, уста ва хунармандлар билан фикр алмашиш, янгидан-янги ҳамкорлар топишга муваффақ бўлдим.

Ушбу маданият байрамига Нукус шаҳри ва Элликқалъа туманида катта тайёргарлик қилинди. Тупроққалъа ёдгорлиги атрофида уч минг ўринли амфитеатр, халқ ўйинларини ўтказишга мўъалламанг майдонлар барпо этилиб, ҳар бир вилоят вакиллари учун алоҳида ўтовлар тиклиди.

Янада кўркам қиёфа касб этган қорақалпоқ диёри икки кун давомида ҳамюртларимиз, санъат ва маданият намоёндалари, уста ва хунармандлар, талаба-ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эллик меҳмонлар билан гағжум бўлди.

Фестиваль эрта тонгда халқ сайли билан бошланди. Тадбир иштирокчилари Тупроққалъа ёдгорлиги, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ва бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланди. Шаҳар марказида барпо этилган яшил майдон ва фавворалар Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлаб турибди. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкалининг қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожига, ёш авлод тарбиясига қаратилаётган улкан эътиборнинг яна бир намунаси.

Янги қурилган замонавий турар жой бинолари, гўзал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари, бозорлар, аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа қатор иншоотлар шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди. Бу Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиликлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги, одамларнинг турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларнинг амалдаги ифодасидир.

5 май куни Нукус шаҳри янада кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси шафелигида миллий чолғу асбобларини ясаш устaxonаси очилди. «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг мамлакат босқичи совриндори, уста Азатбай Утарбаев мусиқа асбобларининг тарихи, уларни ясаш усулларига оид амалий семинар ўтказди.

Мен хунармандчиликнинг ушбу тури билан шуғулланиб келаётган бешинчи авлод вакилиман, — дейди А.Утарбаев. — Давлатимиз томонидан хунармандчиликни ривожлантириш, маданиятимиз ва санъатимизни асраб-авайлашга қаратилаётган эътибор самарасида астойдил меҳнат қилиб, ўз хунаримни ёшларга ўргатиб келяпман. Бугунги кунда фарзандларим ва шогирдларим билан бирга 24 хил миллий чолғу асбобини ясайми.

Тадбирда қорақалпоқ миллий чолғу асбобларида куйлар ижро этилди. «Қорақалпоқ халқининг эпик мероси» компакт-дискларининг тақдироти ўтказилди.

Фестиваль дастурида илмий аниқликларга ҳам кенг ўрин берилди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида ўтказилган «Оролбўйи: худуд ривожланиши тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари» мавзусидаги давра суҳбатиде ушбу мунтақа тараққиётига оид масалалар муҳокама қилинди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг экологияни яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, миллий хунармандчиликни кенгайтириш каби масалаларга қаратилган ижтимоий лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи жамоасига янги автобус совға қилинди.

Элликқалъа туманидаги Тупроққалъа ёдгорлигида талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими олимлари, тарихчи ва этнографлар Тупроққалъа тарихи, бу ерда олиб борилаётган археологик излашлар, топилмаётган ноёб ашёлар ҳақида иштирокчиларга сўзлаб бердилар.

Ахалтекин отларининг кўргазмаси фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Полвонлар, дорбозлар, миллий цирк санъати усталари чиқишлари, от пойгалари, улоқ-қўпқари мусобақалари фестивалга янада кўтаринкилик бахш этди.

(Давоми 3-бетда)

XXI сағоси асри Барча мавбалардан олинган суғити хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг жорий йил биринчи чорак якунларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлат архивлари ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари ходимлари, тегишли идоралар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

• Оролбўйида Халқаро Қизил Ярим Ой жамияти кунига бағишланган акция ўтказилди. Қизил Ярим Ой жамияти Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Тошкент аграр университетининг Нукус филиалида ўтказилган ушбу тадбир кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ўзгалар ёрдамига муҳтож ногиронлар, фавқулодда вазиятларда жабрланган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида Қизил Ярим Ой жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга бағишланди.

• Ўзбекистон Экологик ҳаракати тегишли давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотларни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида экологик соф технологияларни жорий этиш, иқтисодий самарадорликни ошириш, лалми ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги «Мулла Саидқул» фермер хўжалиги базасида дала ўқув марказини ташкил этди. Мазкур ўқув марказида фермерлар учун амалий семинар ташкил этилди. Унда журналистлар ҳам иштирок этди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган экологик лойиҳалар билан аҳолини яқиндан таништириш, аграр тармоқда чиқиндисиз технологияларни амалга татиқ этиш жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

ЖАҲОНДА

• Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз қўллаб мамлакатларда ишсизлар сонининг кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг охирига бориб дунёда ишсизлар сони 10 миллионга кўпайиб, 200 миллиондан ошиши мумкин. ПАТА-ТАСС-нинг хабар беришича, 2011 йили дунёда жами ишсизлар сони 196 миллион кишини ташкил қилган.

• Бразилияда 2011 йили кофе экспорти рекорд кўрсаткич — 8,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2010 йилга нисбатан 53,6 фоиз кўп. Мамлакат кофе экспортчилари кенгаши бош директори Гильерме Брагининг сўзларига кўра, ўтган йили кофенин янчилган турига талаб катта бўлган. Унинг 13,1 фоизи экспорт қилинган. Бу 2010 йилга нисбатан 3,1 фоиз кўп. Кофенин арабика — янчилмаган турига талаб эса икки фоизга пасайиб, 84,1 фоизи экспорт қилинган. Бразилия кофесининг асосий харидорлари АҚШ, Германия, Италия, Бельгия ва Япониядир.

• Япония автодиллерлари уюшмасининг маълумотларига кўра, мамлакатда жорий йилнинг март ойида автомобиль сотиш ҳажми 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 78,2 фоиз ошиб, қарийб беш юз мингтани ташкил этди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Японияда автомобиль сотиш ҳажми яна ошаётганига қарамай, унинг савдо айланмаси ўтган йилларга нисбатан камайган. Бу мамлакатда 2011 йилнинг март ойида содир бўлган зилзила ва цунами билан боғлиқ, Сабаби, ушбу табиий офат оқибатида Япониядаги беш юзга яқин автомобил ишлаб чиқарувчи завод ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтади туришига тўғри келган.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университети қошидаги 5-сонли академик лицейда ўқувчи-ёшлар ҳамда ўқитувчилар томонидан «Эъзоздасиз ҳар қачон» шиори остида туман миқёсида уч авлод учрашуви ташкил этилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳузуридаги «Етакчи» ёшлар марказида ўсиб келаётган авлоднинг сиёсий-ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

✓ **«НУРОНИЙ»** жамғармаси Олмасор туман бўлими ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида маҳалла нуронийлари, ўқувчилар иштирокида Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйиш маросими уюштирилди.

ЮКСАК ЭХТИРОМ ВА ШАРАФ

Тошкент бирлашган техника мактабида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Нуроний» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, журналистлар қатнашди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти шахар кенгашининг раиси, подполковник З.Раҳматов ва бошқалар фахрийларни байрам билан табриклади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланаётгани, нуроний отахон ҳамда онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани алоҳида таъкидланди. Узоқ йиллар халқига хизмат қилган, бугунги кунда эл-юрт раънақи ва фарзандлари камолини кўриш орзуси билан яшаётган фахрийлар ҳаёти ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабидир.

Тадбирда мустақиллик ва тинчлик-хотиржамлик ҳалқимизнинг энг бебаҳо бойлиги экани қайд этилди. Барча жабҳаларда амалга оширилаётган илмий ислохотлар асосини, энг аввало, инсон манфаатлари ташкил этади. Учрашувда уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Ўтганларни хотирлаш, фахрийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ҳалқимизга хос эзгу аънадир, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси С.Кайдаров. — Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш замирида ҳам мана шу қадимий ва абадий қадриятларимиз мустақиллик, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни ватанпарварлик ва она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА МУХБИРИ



ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Тошкент шахар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ўтказилган «Икки авлод учрашуви» мавзuida тадбирда ҳам ҳаётда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган инсонлар ҳақида сўз борди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига Тошкент шахар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Н.Насимов фахрий ёрлик ва пул мукофотларини топширар экан, уларга соғлиқ-саломатлик тилаши баробарида, ёшларга бугунги кунлар шарофатининг шукронаси бўлмиш мустақилликнинг қадрига етиш, қарияларимизни эъзозлаш, фаровон ва тинч ҳаётимизни асраб-авайлашда ёш авлоднинг алоҳида ўрни бор эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

— Мен шундай нурафшон кунларда хурматга сазовор бўлаётганимдан жуда хурсандман, — дейди 86 ёшли Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони, Маргарита Меркулова. — Уруш қатнашчилари бўлмиш тенгдошларимнинг жасоратлари

ҳамиша қалбимизда абадийдир. Азиз фарзандларим, бу тинч ва осуда кунларнинг қадрига етайлик, ватанимизни севиб ардоқлайлик. Чунки, муқаддас тупроғимизнинг ҳар бир қаричи олтинга тенг, одамлари эса эзгулик улашувчидир.

Тадбир доирасида беш нафар иқтидорли талабаларга «Тошкент шахар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг» гувоҳномаси ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг ўн нафар ўқувчиларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Фаол, аълочи, иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш 1998 йилдан бери кенгаш қарори билан татбиқ этилган бўлиб, хайрли аънамага айланган.

— Биз ёшларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган шахар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашига тенгдошларим ва оила аъзоларим номидан алоҳида миннатдорчилик билдираман. Айниқса, бу мукофотни фахрийларимиз қўлидан олишимиз ўзимизга ва келажагимизга

Айни кунларда Ватан озадлиги ва раънақи учун жон фидо этган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар, бизга ибратли умр йўли билан ўрнак бўлаётган фахрийларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, онгимизда хотира ва қадрлашнинг юксак инсоний фазилат эканлигини яна бир бор теранроқ англашиб боради. Президентимизнинг кунги кеча қабул қилинган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони ҳам фахрийларимизга давлатимизнинг юксак эътибори ва эъзозидан дарак беради.

бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Биз ҳам келажақда халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб юришни ва Ватанимизга сизидилдан хизмат қилишни чин кўнгилдан ихтиёр этамиз. Бу учрашув қалбимизда бир умр муҳрлиб қолади.

Ҳа, хотира муқаддасдир. Зеро, бугунги тинч ва осуда ҳаёт, муссаффо осмон ва фаровон турмуш учун жон олиб жон берган ватандошларимизнинг фидойиларини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Айниқса, Ватан мустақиллиги, тинчлиги ва саодатли кунлари йўлида фидойилик қилган инсонлар хотираси ҳамиша ёдудай порлаб туради. Азиз сиймолар сурати ҳамиша қалбимиздадир.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Қозим Ўлмасов олган сурат

Баъзилар бор узоқ умр кўради, аммо ҳаётдаги ўрни сезилмайди. Айримлар бор, қисқа ҳаёти давомида одамлар қалбида номи бир умрга сақланиб қолади. Ана шундай инсонлардан бири, хизмат пайтида ҳалок бўлган Учтепа тумани ИИБ ЎОББ профилактика инспектори, лейтенант Воҳиджон Атамухамедовдир.

ХОТИРАСИ ДИЛЛАРДА МАНГУ

Тошкент шахрида туғилиб ўсган Воҳиджон ўрта мактабни тамомлаб, ҳужжатларини Тошкент Автомобиль йўллар институтига топширди. У олийгоҳга қабул қилиниб, ўқишни муваффақиятли тугатди.

Ёшлигидан ички ишлар ходимлари либосини кийишга ҳавас қилган Воҳиджон шу соҳада ишлашга аҳд қилди ва 1999 йилда Учтепа тумани ИИБга қабул қилинди. Раҳбарият Воҳиджон Атамухамедовни «Ўрикзор» маҳалласида жойлашган 30-милиция таянч пункти профилактика инспектори этиб тайинлади. У ўзига ишониб топширилган вазифани астойдил бажаришга киришди, ҳудудда профилактика тадбирлар ўтказиш билан бирга фуқаролар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарди ва ташвиши билан яшай бошлади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда маҳалла посбонлари билан яқиндан ҳамкорлик қилди.

2000 йилнинг сентябрь ойи. Ўша кун Воҳиджон эрта турди. У ҳамкасби Воҳид Бердиев билан машинада одатдагидек ҳудудни айланиб, вазиятни кўздан кечираётган бир пайтда Нурафшон кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётган икки нафар бегона, шубҳали шахсга кўзи тушди. Воҳиджон автомобилни тўхтатгач, уларга яқинлашди.

— Кечирасизлар, ҳужжатларингизни кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси эканлиги эътироф этилди.

Улар ҳеч қандай ҳужжат тақдим қила олишмади. Шунда

профилактика инспекторларининг шубҳаси янада ошди.

— Нега ҳужжатсиз юрибсизлар?

— Биз Афғонистонда бирга хизмат қилган Раҳим исми дўстимизни қидириб юргандик, — деди ўзини Отабек деб таништирган шахс.

Шу пайт рўпарадаги уйда яшовчи бир қиз деразани очиб: «Булар ҳозиргина биз газ идорасиданмиз, дейишган эди», — деди.

Бу гапни эшитгач, икковлон каловланиб қолди. Боз устига, улардан бирининг ёнидан ерга пичоқ тушиб кетди.

— Милиция таянч пунктига боришимизга тўғри келади, — дейишди ички ишлар ходимлари.

Кутилмаганда ҳалигилардан бири ёнидан тўппонча чиқардида, Воҳиднинг пешонасига тиради. Шу пайт автомобилнинг олди томонида турган В. Атамухамедов шеригига ёрдам бериш мақсадида абжирлик билан Отабекка ташланди. Тўппончадан отилган ўқ кулқини қоматга келтирди. Оғир жароҳат олган жасур ўғлон шифохонага етказилганда жони узилиб бўлганди.

Воҳиджон Атамухамедов хизмат чоғида кўрсатган мардлиги учун ўлимидан сўнг Президентимизнинг Фармони билан тақдирланди.

Бундай жасур ўғлонларнинг хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ матбуот хизмати

Экология

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ

«Ўзэкспомаказ»да муқобил энергиядан фойдаланишнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.



Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркаси доирасида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, талабалар, муқобил энергия ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда илмий фаолиятни ривожлантириш, илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришда соф ривожланиш механизми жорий этиш ва экологик барқарорликка эришишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, фан ва амалиёт ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва янги технологияларни барча соҳаларга татбиқ этиш жараёнини жаддалаштиришда муҳим омили бўлмоқда. Юртимизнинг бой табиий салоҳияти ноанъанавий ёқилги манбаларидан барча соҳаларда фойдаланишда жуда қулайдир. Қуёш, шамол, биогаз технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш ишлари ўз самараларини бермоқда.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркасида муқобил энергетика соҳасида яратилган йигирмадан ортиқ ғоя ва ишланмалар намойиш этилмоқда. Фотоэнергетика ярим ўтказгичлари, стирлинг двигателлари, қуёш ва шамол энергияси асосида ишлайдиган қурилмалар, биогаз олиш технологиялари шулар жумласидандир. Ушбу технологияларнинг асарияти маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқилгани ва жаҳондаги аналогларидан сифат ҳамда самарадорлик жиҳатидан қолишмаслиги, арзонлиги билан ажралиб туради.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиали олимлари намойиш этаётган биогаз қурилмаси — шундай ихтиролардан бири. Давлат патенти билан ҳимояланган мазкур қурилмадан нафақат юртимиздаги, балки, хорижий фермерлар ҳам кенг фойдаланмоқда. Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳамда Жанубий Кореядаги фермер хўжалиқларида ишлатилаётган ушбу технология соҳа мутахассисларига манзур бўлмоқда. Мазкур ярмаркада яна бир қатор фермер хўжалиқлари уни ўрнаттиш бўйича илмий муассаса билан шартнома имзолади. Шунингдек, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан ушбу қурилмани санаят ускунасида ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилди.

Семинарда Ўзбекистонда муқобил энергетикани ривожлантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия қурилмаларини ишлаб чиқишга оид фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишлар самараси, табиий ресурсларни тежаш борасида амалга оширилаётган илмий изланишлар, бу йўналишдаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги натижаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАР

Очиқ акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» раҳбарияти ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали улар иқтидорини юзага чиқаришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. «Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси» танловига ҳам қўпгина толиби илмлар илмий изланишлари муносиб тақдирланди.

Мазкур бизнес-лоийҳалар янги махсулот турларини яратишга қаратилгани билан ажралиб туради.

«Чиқиндилардан сўндирилмаган, майдаланган оҳак ишлаб чиқариш» лойиҳаси иқтисодий самарадорлиги билан танлов ҳайъати эътиборини ўзига тортди.

Тошкент Давлат иқтисодий университети томонидан тақдим қилинган «Уймали полтахта ва қипиқлик брикет махсулотлари ишлаб чиқариш» лойиҳаси ҳам совринли мукофот билан тақдирланди.

Тошкент Давлат техника университети лабораториясида яратилган ишланма эса «Уй иситиш печларига электр токи ишлаб чиқариш, замонавий уйлари лойиҳалаш» деб номланади.

Банк касаба уюшмаси кўмитаси раиси Рамиля Саҳапова яна қатор голиб лойиҳалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. «Табиий махсулотлар асосида ранг берувчи моддалар тайёрлаш», «Қўёнчиликни йўлга қўйиш», «Ҳазонларга қайта ишлов бериш орқали тайёр махсулот яратиш» деб номланган лойиҳалар илланувчан ёшлар салоҳиятини намоян этди. Бу каби лойиҳалар бизнес билан шуғулланувчи талабалар камолотидан дарак бериб турибди.

Анвар ВАЛИЕВ

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ

Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида «9 май — Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

«Саховатли болалар» гуруҳи ҳамда «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, устоз-мураббийлар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Аввал мактаб фойесида «Аждодлар хотираси» деб номланган расмлар кўриктанлови ташкил этилди. «Тарих сатрларни варақлаб бу-

гун» номли байрам концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир соҳани камраб олди, — дейди «Нилуфар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Умиров. — Энг асосийси, миллий урф-одатларимиз тикланди. Ёши улуг инсон-

ларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш азалий қадриятлар сирасига киради. Хотира ва қадрлаш куни бу эзгу ишлар давом эттирилади. Ёшларимиз ташаббуси билан уюштирилаётган ана шундай тадбирлар маҳалламизда истиқомат қилувчи ёши улугларни, отахону онахонларни қувонтирди.

Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган аждодлар руҳига садоқат, уларнинг қадр-қиммати, ватанпарварлиги акс этган сахна кўринишлари йиғилганларга олам-олам завқ бағишлади.

Олмазор туманидаги 159-умумтаълим мактабида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Жасорат — мангу, хотира-муқаддас» мавзuida уруш ва меҳнат фахрийлари билан виртуал учрашув бўлиб ўтди.

ЖАСОРАТ — АСЛО УНУТИЛМАЙДИ

Тошкент шахар Халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази ташаббуси билан интерфаол усулда ўтказилган тадбирда узоқ йиллар давомида халқимиз тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги учун хизмат қилган уруш ва меҳнат, Қуролли Кучлар фахрийлари веб-камера ёрдамида ўқувчилар саволларига жавоб беришди.

— Тарихда она юрт учун қанча аёвсиз жанглар бўлиб ўтган, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Бухолида Таштемирова. — Юрт учун жон фидо қилган қаҳрамонлар хотираси нафақат асрлар, минг йиллар ўтса ҳам авлодлар онгида фахр бўлиб қолади. Урушнинг суронли юқини елкаларида кўтарган инсонларни ёд этиш ва хотирасини улуғлаш муҳим аҳамият касб этади. Очиқ дарсларда ўқувчилар қизиққан шоир ва ёзувчилар, болалар адабиёти намояндалари билан интернет орқали веб-камерада мулоқот ташкил этилади. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган виртуал учрашувга ўқувчилар томонидан Қуролли Кучлар ва Ички ишлар вазирлигида фаолият юритган фахрийларни жалб этиш таклифи тушди. Сабоби, ўқувчиларимизнинг кўпчилиги шу соҳага астойдил қизиқади. Эътиборлиси, интернет орқали мулоқот қилган инсонлар мамлакатимизда кекса авлод вакил-

лари, фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг юксак эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд эканлигидан шод.

Очиқ дарсда маҳалла фаоллари ва мактаб раҳбарияти томонидан урушда қурбон бўлганларнинг жасорати хотирланар экан, бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровон турмуш тарзимиз, эришаётган улкан муваффақиятларимиз замирида уларнинг сазай-ҳаракатлари, жасорат ва матонатлари ётганлигини қайд этишди.

Тадбирда мамлакатимиз ички ишлар тизимида йиллар давомида фаолият юритган фахрий подполковник Муҳриддин Эркинوف давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уруш қатнашчилари ва қурбонлари номини абадийлаштириш, келажак авлодга уларнинг мангу ва ўлмас жасоратлари намуналарини етказиш мақсадида амалга оширилаётган илмий ислохотлар ҳақида маълумот берди. Хусусан, 36 томлик «Хотира» китоби нашр этилиб, республикамизнинг барча гўшаларида «Хотира» майдонлари барпо этилганлигининг ўзи обод юртимизда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси эканлиги эътироф этилди.

«Туркистон-пресс»



Отабек Мирсаатов (УЗА) олган суратлар

Мамлакатимизда навқирон авлодни қомил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг саломатликларини мустақамлаш, ўсмир-ёшларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг дастлабки босқичлари ҳақида тушунча бериш, ўз соғлиқларини муҳофазалаш, йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш ва ҳуқуқий билимларини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир ҳам, айнан шу мақсадларни қамраб олган ҳолда уюштирилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар соғлиқни сақлаш, халқ таълими бош бошқармалари, Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа «Меҳр-мурувватга қалббингни оч» шиори остида «Саломатликнинг ёш дўстлари» деб номланди.

Мусобақалар САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Унда шахримиз туманларидаги ўн та мактаб ўқувчилари иштирок этиб билим ва маҳоратларини, иқтидор ва кўникмаларини намойиш қилдилар. Бу мусобақани ўтказишимиздан мақсад, жамиятнинг инсонпарварлик, ҳолислик тамойилларига амал қилган ҳолда, ёшларимизни ҳар томонлама етук, салоҳиятли, садоқатли ва меҳр-мурувватли қилиб вояга етатишдан иборатдир, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар ташкилоти раиси Умида Мухамедова биз билан суҳбатда. — Мана 87 йилдирки, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шаҳар ташкилоти ҳам ҳолислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, ягоналик, умумийлик бирликлари асосида иш олиб бормоқда. Жумладан, ёш авлоднинг баркамол тарзда вояга етишида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда факулдада вазиятлар юз берганда ўзига ва ўзгаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиш билимларига ўргатилмоқда. Энг асосийси, ўсмир-ёшларимизга инсон саломатлиги энг катта бойлик эканини тушунириш, ҳаммаша зийрак, зукко бўлишларини тарғиб қилиб бориш диққат марказидадир.

нинг гувоҳи бўлдик. Сафда туриш, биринчи ёрдам кўрсатиш, ётиб қолган беморларга қараш, шахсий ва жамоатчилик гигиенаси, доривор ўсимликлар ва уларнинг қўлланиши, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондалари каби еттига босқич бўйича ўтказилган мусобақа қизиқарли ва мароқли тарзда ниҳоясига етди.

— Бу мусобақа нафақат ўсмирларимиз онгу тафаккурини оширади, балки уларни Ватанини севиш, юртга садоқат билан хизмат қилиш, ҳаммаша тийрак нигоҳлар билан сергак туриш ҳисларини ҳам ривожлантириб боради, — дейди Тошкент шаҳар Факулдада вазиятлар бошқармаси ходими Беҳзод Абдумуталов. — Ҳар қандай шароит ва вазиятда, уйда, кўчада ва мактабда рўй бериши мумкин бўлган кутилмаган вазиятларга шай бўлиб туришлари ҳам, бу каби мусобақалар ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

— Мусобақада Ҳамза туманидаги 244-мактаб ўқувчилари биринчи, М.Улуғбек туманидаги 264-мактаб иккинчи, Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқувчилари эса учинчи ўринларни эгаллаб қолиб-лик шохсупасига кўтарилдилар ва Республика босқинчида иштирок этиш муваффақиятини кўлга киритдилар. Шунингдек мусобақа доирасида бўлиб ўтган деворий газеталар кўрсатмаларида Чилонзор туманидаги 101-мактаб ўқувчилари биринчи, Олмазор туманидаги 159-мактаб ўқувчилари иккинчи, Ҳамза туманидаги 244-мактаб ўқувчилари учинчи ўринларни эгалладилар.

Мусобақа сўнггида қолибларга совғалар топширилди.

Гулнигор САТТОР кизи

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Ўзбекистон ҳамда Озарбойжон футбол терма жамоаларни пойтахтимизнинг муҳташам спорт иншооти «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўзларининг илк икки ўртоқлик учрашувларини ўтказишди.

Дастлабки ўйиннинг илк дақиқаларида терма жамоамиз ташаббусни кўлга олиб, кетма-кет ҳужумлар уюштирган бўлса, кейинчалик меҳмонларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўйин тизгини боқуликлар томонга ўтиб кетди. Шунга қарамай, биринчи бўлимда ҳисоб очилмади.

Иккинчи бўлим бошида ҳимояда йўл қўйилган кичик эътиборсизлик туфайли озарбойжонликлар ҳисобни очилди. Терма жамоамиз катта қийинчилик эвазига ҳисобни тенглаштиришди — Мендес майдонга бешинчи ўйинчини туширди ва Дилшод Ирсалиевнинг олис ма-софадан йўллаган зарбаси рақиб ҳимоясига теккан ҳолатида дарвоза тўридан жой олди. Ҳисоб тенглашганидан кейин ҳам вакилларимиз бешта ўйинчи тактикаси остида ўйинни давом эттиришди. Бироқ рақиб жамоа ҳужумчиси Виталий Борисов дарвозани ишғол қилган ҳолда таблода 1:2 ҳисоби ёниб туришини таъминлади. Ўйиннинг сўнги дақиқаларида терма жамоамизнинг қилган ҳаракатлари эса бесамав кетди. Шундай қилиб, ушбу терма жамоалар ўртасидаги дастлабки ўртоқлик учрашув-и Озарбойжоннинг 2:1

ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Ўртимиз футбол терма жамоаси иккинчи ўйинни ҳужумкор руҳда бошлади ва дастлабки дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Жарима зарбасидан сўнг дарвоза тўридан жой олган тўпга Дилшод Ирсалиев муаллифлик қилди. Голдан руҳланган вакилларимиз ҳужумкорликни сусайтирмаликка ҳаракат қилишди, бир қатор голга тортадиган вазиятлар яратилди. Аммо озарбойжонликлар ҳимояда юзага келган саросималикни тезда бартараф этиб, ўз ўйинларини намойиш қила бошладилар. Биринчи бўлим давомида меҳмонларда ҳам хавфли вазиятлар юзага кела бошлади. Рустам Умаров ва Ҳимоячилар мажмуа вазиятларини йўққа чиқариб ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб туришга муваффақ бўлишди.

Ўйин тугашига 5-6 дақиқа қолганда рақибларимиз ҳужумга зўр беришди ва хавфли вазиятларнинг бирида Виталий Борисов дарвозани ишғол этиб, вазиятни ўнглади.

Ўйин шу тариқа 1:1 ҳисобидида жанговар дуранг билан ўз интиҳосини топди.

Раббонақул МУХТОРОВ

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

«Локомотив» жисмоний тарбия-спорт мажмуасида темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлиғини тиклаш учун етарли шарт-шароитлар муҳайё қилинган. «Мустақкам оила йили» Давлат дастури бўйича минн футбол тўғарақлари сони бештага кўпайди.

Спорт клуби ҳузуридаги республика Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар бокс мактабига фаол қатнашаётган тарбияланувчилар сони ўтган йилдагига нисбатан 100 нафарга ортди. — Тошкентда ўтган 2-халқаро бокс турнирида бизнинг локомотивчимиз — икки боксчи Ойбек Отабоев ва Элдор Ниязалиевлар бронза медалига сазовор бўлишди, — дейди клуб аъзоси Сайфи Алимов. — Тошкентдаги «Бокс мактаби»да уюштирилган ёшлар ўртасидаги республика саралаш мусобақаларида олти нафар совринли ўринларни эгаллашди.

Ёш боксчилар Беларус Республикасининг Витебск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда унча совринли ўринлар соҳиби бўлди. Мустақкам оила йили муносабати билан спорт масканидаги ўйингоҳлар, оғир атлетика заллари, ювениш хоналари тўлиқ таъмирланди. «Локомотив» жамоаси учун ажратилган маблағлардан режали асосда фойдаланилмоқда. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳам катта миқдорда маблағ ажратилди.

Озод АББОСОВ

Ўлкамизда талайгина резавор ўсимликлар етиштирилади, қулупнай шифо ато этувчилар орасида биринчи десак, муболага қилмаган бўламиз.

Халқ табобатида қулупнай резаворлари камқувватликда, парижонхотирликда, хафакон дарди, никриз хасталигида ихобий таъсир кўрсатувчи табиий восита ҳисобланади. Уни терлатувчи, безгак хуружга қарши, пешоб ҳайдовчи, камқонликда эмлик қилувчи, шунингдек, жигар, сафро йўллари касалликларида сариқ ва бавосил хасталиклариде тавсия этилади.

Синалган амал мавжуд — оғир хасталиқдан бошини кўтарган холи-қудрати йўқ беморларга сархил қулупнай меваларини сут ва шакар билан берилса, умумий дармон бағишловчи табиий шифобахш омил бўлиб хизмат қилади.

Халқ табобати билимдони А.Поповнинг берган маълумотларига қараганда, қулупнай сариқ касаллигига ихобий таъсир кўрсатади. Баъзи маълумотларга қараганда, сархил қулупнай мева шарбатларидан 2-8 ош қошиқ миқдориде ҳар куни наҳорга ичиб туриладиган бўлса, кўксос, бронхал астмага ёрдам беради.

Касалликдан кейин ниҳоятда толиққан, заиф болаларга сархил қулупнайни сут ва шакар билан бериладиган бўлса, бундай амал болага умумқувват бағишловчи, татимли восита бўлиб хизмат қилади. Кавказ халқ табобатида қулупнай мевалари асосида тайёрланадиган дамлама антисептик (зарарли бактерияларга қирон келтирувчи омил тарикасида тавсия этилади), уни муртақ безларининг яллиғланишида, стоматитларда даво сифатида, шунингдек, оғиздаги бадбўй ҳидни йўқотиш учун фарғара қилиш тавсия этилади.

Баҳор неъматлари

ҚУЛУПНАЙНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Олимлардан В.Каримов ва А.Шомаҳмудовларнинг ёзишига қараганда, қулупнайларнинг мевалари, шарбати, барглари ва илдиэоялари жигар, меъда-ичак йўли, пешоб ажратиш тизими касалликлариде кўп ишлатилади ва одам захарланиб қолган маҳалларда терлатадиган омил сифатида қўлланилади, камқонлик, ревматизм ва бошқа бир қанча хасталиқларда буёрилади. Бадан терисига доғ тушганида, сепкил ва хуснбузарларни йўқотиш учун мевалари ва янги ҳосил қилинган шарбати бадан сиртига суртилади. Бу мақсадлар учун кўпинча қулупнай меваларини эзиб, баданнинг тегишли соҳаларига чаплаб қўйилади. Қулупнай мевалари бўғим оғриқлари, қабзият, хафакон касаллиги, атеросклерозда берилади.

Илмий тиббиётда қулупнай оқват ҳазмини яхшилаш учун, қон яратилишини жадаллаштириш, гастритлар, энтероколитлар, гепатитларга даво қилиш учун, шунингдек, миокардитлар, юрак ишмиия касаллиги, гипертония, атеросклероз, подагра, гипертиреоз каби хасталиқларда буёрилади. Буйрак ва қовқуда тош ва қумлар йиғилмаслиги учун ҳам қулупнай меваларидан истеъмол қилиб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Қулупнайнинг шифобахшлигини белгилайдиган нараса, унинг таркибидеги ҳаётбахш моддалардир. Жумладан, резавор таркибиде қатор дармондорилар: В1, В2, РР, С, каротин, маъданли унсурлардан калий, кальций, фосфор, марганец, мағний, фосфорлар сақланади.

Қулупнай мевалари асосида хушбўйликда антиқа мураббо, жем, шарбат тайёрланади. Хушрўйлаш амалиётида ҳам қулупнайдан фойдаланиш самарали таъсир кўрсатади. Қулупнайдан никоб қўринишида ишлатилдиган бўлса, юз терисини майин қилиб, оқартиради.

Ўрни келганида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирда махсус иссиқхона шароитида қулупнайни жадал етиштириш учун ўсимликка турфа ишлов ва парвариш берилар экан, азотли маъданли ўғитлардан фойдаланиш ҳоллари бўлади, ўсимлик зарарқунданалар ва касалликларига қарши кимёвий воситалардан (пестицидлардан) фойдаланилади. Шу боис, иссиқхонада етиштирилдиган қулупнайларни айтарли шифобахш деб бўлмайди.

Доно ХЎЖАЕВА, олий тоифадаги доришунос



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Сўз ва иш бирлиги камдан-кам кишиларга насиб этади.

Индамай ишини қилган ютади.

Ақлли одам бировнинг сири билан қизиқмайди.

Пул бандасидан дўстлик чиқмайди.

Керагидан ортиқ нарсани билиш ҳеч кимга фойда келтирмаган.

Кимни бурч тутиб туради, кимни андиша.

Бировни тушуниш учун ўшанинг даражасига етиш керак.

Бировнинг сирини билишга ўчлик яхши хусусият эмас.

Чала қолган иш ҳаммаша ташвиш.

Кўнгил иши қийин.

Нафси ёмон — ранги сомон.

Ўзи ҳеч нарсани билмаган билганнинг ноғорасига ўйнайди.

Тақдир ҳеч қачон ноҳақ эмас — инсон унинг ҳукми сабабини англаб етмайди, холос.

Ҳар бир нарсанинг сабабини аввало ўзингдан қидир.

Бир алданган бир умр алданади.

Биргина хато ҳаётингни издан чиқариб юбориши мумкин.

Кисининг нодонлигини ўзини қанчалик доно ҳисоблашидан ҳам билса бўлади.

Бирор нарсанинг қизиги қолмаса, ҳаёт зерикарли туюлади.

Эришилган нарсанинг қизиги қолмайди.

Фаоллик — машҳурлик доясидир.

Қилган ишинг қолади — шухратингнинг довруғи ўчиб кетади.

Кўпинча сабабчини унутадилар.

Дўппингни олиб, чуқур мулоҳаза қилиб кўрсанг, айб тақдирда эмас, ўзингдалиги маълум бўлади.

Яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этамайди, кўпчилик шунчаки кун кўради.

Бекорчилик одами эмиради.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

рат кечаси — 14-16 даража илик, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавзудаги кўра, 9 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароитининг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Фарбдан секундига 3-8 метр тезликда, жала вақтида секундига 10-15 метр тезликда кучайган ҳолда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16 даража илик, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавзудаги кўра, 9 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароитининг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Фарбдан секундига 3-8 метр тезликда, жала вақтида секундига 10-15 метр тезликда кучайган ҳолда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16 даража илик, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Телефонлар: 233-28-95, 236-57-65 факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 9483 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

12345